

## “Ўзэкспомарказ”га ташриф

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 13 августдаги 666-сонли Фармойишига мувофиқ жорий йилнинг 3-5 октябрь кунлари “Ипак йўлида туризм” 24-Тошкент халқаро туристик кўргазмаси ўтказилиши режалаштирилган. Шу муносабат билан 2018 йил 5 октябрь куни “Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш” факультети талабалари дарсдан бўш вақтларида гуруҳ мураббийлари ҳамроҳлигида Ўзэкспомарказ”га ташриф буюришди. Кўргазма давомида талабалар бугунги кунда фан-техника ютуқлари, санъат ва маданият соҳаларига оид кўргазмалар билан танишдилар.



**“СХТЭваБ” факультети декани ўринбосари Ж.Турдиев ахбороти**

**Институт матбуот котиби Рахимбой Жуманиёзов**